

ЎТ ПУФАГИ ДЕСТРУКЦИЯСИ ШАКЛИ ВА ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚ ЯЛЛИҒЛАНИШ ВА ЭНДОГЕН ИНТОКСИКАЦИЯНИНГ ИНТЕГРАЛ МАРКЁРЛАРИ

Исмаилов Азиз Октамбоевич

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Долзарблиги. Ўткир деструктив холециститнинг гангреноз ва перфоратив шакллари операциягача кўпинча яққол клиник манзарага эга бўлмайди, бу эса деструкцияни ўз вақтида аниқлашни қийинлаштиради. Яллиғланиш оғирлиги ва эндоген интоксикациянинг интеграл маркёрларини деструкция шакли билан боғлиқ ҳолда объективлаштириш операциягача оғирликни баҳолаш ва тактика танлашни оптималлаштириш учун долзарб аҳамиятга эга.

Материал ва усуллар. 281 беморда яллиғланиш ва эндоген интоксикация маркёрлари — нейтрофил-лимфоцитар нисбат, С-реактив оксил, прокальцитонин, лейкоцитар интоксикация индекси ва ўртача массали молекулалар — динамикада ўрганилди. Маркёрлар кўрсаткичлари ўт пуфаги деструкцияси шакли (флегмоноз, гангреноз, перфоратив) ва TG18 бўйича оғирлик даражаси (Grade I–III) билан солиштирилди; статистик таҳлилда ROC-таҳлил ва кўп омилли логистик регрессия қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама. Интеграл маркёрлар деструкция чуқурлашган сари қонуний равишда ортиб борди: нейтрофил-лимфоцитар нисбат 3,9 дан 6,2 ва 11,3 гача, прокальцитонин эса 0,42 дан 1,84 ва 6,92 нг/мл гача ошди. Ушбу қонуниятлар маркёрларнинг TG18 бўйича оғирлик даражаси ва деструкция шакли билан ишончли боғлиқлигини кўрсатди, бу гангреноз ва



перфоратив шаклларни эрта аниқлаш ҳамда оғирликни объектив баҳолаш имконини берди. Деструкцияни эрта аниқлаш тактикани ўз вақтида танлаш ҳисобига даволаш муддатлари ва харажатларни камайтирди.

Хулоса. Яллиғланиш оғирлиги ва эндоген интоксикациянинг интеграл маркёрларининг аниқланган ўзгариш қонуниятлари деструктив шакллар патогенези ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиради, операциягача оғирликни баҳолаш аниқлигини оширади ва миниинвазив тактикани танлашни оптималлаштиради.